

ИБНИ ОБИДИЙН РАҲМАТУЛЛОҲ АЛАЙҲНИНГ (ШАРХУ УҚУД РАСМ АЛ МУФТИЙ) АСАРИДАН КИРИШ БЎЛИМИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12521623>

Tursunov Muhammad Rizo Abdulhamid

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини “Ақоид ва фикҳий фанлар”
кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация

Ушбу мақолада ҳанафий олим (Ибни Обидийн) таҳаллуси билан машҳур бўлган Муҳаммад Амин раҳматуллоҳи алайҳининг ёзиб қолдирган асарлари, уларнинг илмий қиймати ва олимлар тарфидан бирдек қабул қилингани ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар

Фуқаҳо, мазҳаб, табақа, истиҳсон, таржих, матн, шарҳ, асарлар.

Мукаддима

Оллоҳ таалога ҳамду – санолар бўлсин. Биз ҳаётимизни аввали ва охирига лаҳзаларигача иноятинг ва марҳаматинг билан тургайсан.

Бизларни залолатдан ўз паноҳингда ва ҳимоянгда кутқарганинг учун сенга шукроналар бўлсин. Эй хайирлик умидини бахш этгувчи зот !

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга , дуруду-салавотлар бўлсин.

Шунингдек , олим тарафидан Шер ий назми услубида 74 байтдан иборат , жуда мухтасат , жумбоқлик ҳанафий мазҳаби усул қоидаларини қамраб олган асарига 42 бетлик тош босмалик “Шарҳу рисола уқуд расм ал муфтий” деб шерий назмига шарҳ ёзди. асари мўтабар шарҳлардан бўлиб “ Шарҳ рисола уқуд расм ал-муфтий”га ёзилган илк мусанниф томонидан асар битилган ва шарҳ қилинган эканлиги, унинг бошқа шарҳлардан устунлик тарафлари 20-21 асрда, фатво бериш амалиётида қўлланма шакилда; маҳкама ва фатво ҳаяти идораларида истифода қилиниб келинётгани, фатво мутахассиси учун асосий таянч қўлланма ҳисобланади. Бундан ташқари мақолада олимнинг қаламига мансуб асарлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.

Ҳанафий мазҳабига мансуб илк ва ягона асар у ҳам болса, “ Уқуд расм ал муфтий” дир. Чунки бу асарнинг ўзига хос жиҳати шундаки, фатво илмига таъаллуқлик барча қоида асосларини ўз ичига олганидир.